

09\_1500/3180 -СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

*25 наувар йил 2022*

Урганч ш.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда –Компания) номидан \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Хоразм филиали директори Самандаров Ахмаджон Султанович (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва *Xorazm viloyati Urganch kutubxona markazi O'zbek Turkman do'stlik uyi kütubxonasi* номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **Р.Курбанов** (кейинги ўринларда - Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қўйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартномаси) туздилар :

## 1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг **WWW UZTELECOM.UZ** расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзиз кабул килиши (акцептни) ҳисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

## 2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

## 3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) **банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4.**Бюджет ташкилоти бўлган** Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) ~~1100000~~ *Чиқишилган етакчидан кўшишинг* сумни ташкил этади. Ушбу сумма ~~1100000~~ *Чиқишилган етакчидан кўшишинг* микдоридаги Абонент тўловини ҳамда ~~1100000~~ *Чиқишилган етакчидан кўшишинг* муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўловниб ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) **банк куни** ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиши ўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтингча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1- кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибига солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланishi мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда. Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фой имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2.Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Урганч туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада тъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати қўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7.Яқуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 ~~декабр~~ ҳадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тагбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги ўйлга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал киласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферга шартларини қабул қилинлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда. Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиqlанган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Хоразм филиали  Манзил: Урганч ш. Н.Кубро кўча.7-йй Тел: 622254330 Банк маълумотлари: Х/р: 20210000204074838423 АТ Алока банк Хоразм фил. МФО: 00401 СТИР: 203366731 ОКЭД: 61100 Е-таксим: <a href="mailto:kansfer@elecom.uz">kansfer@elecom.uz</a>  	Xorazm viloyati Urganch kutubxonasi markazi O'zbek Turkman do'stlik uyi kutubxonasi  Манзил: Урганч ш. А.Нодиршоев 25 Тел: 123-20-40, 223-06-93 Банк маълумотлари: Х/р: 100021860334017082102134001 СТИР: 206755070 мфо: 00014 ОКЭД: 63110 МФО: 14000000000000000000000000000000 Email: <a href="mailto:AGI_14000000000000000000000000000000@mail.ru">AGI_14000000000000000000000000000000@mail.ru Манзил: АГИ 14000000000000000000000000000000 банк Мажнун шахар МФО: 00014 ОКЭД: 63110 ИНН: 201122919</a>

Операторномидан:

Самандаров Ахмаджон Султанович  
м.у.

Суннитларини:

Абонентномидан:

Р.Курбанов  
М.Убайдуллаев

25 январь 2022 йил  
09\_1500/3180-сонли абонент шартномасига  
1-илова

Күрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

№	Хизматлар номи	КҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% КҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Абонентская плата за Corporate-5	700,000.00	Прейскурант	1	700,000.00
	<b>Жами (олдиндан тўлов):</b>				<b>700,000.00</b>

Жами олдиндан тўлов микдори 700,000.00 сўм , шу жумладан, КҚС 15 % микдорида.

**ОПЕРАТОР:**

“Ўзбектелеком” АҚ  
Хоразм филиали

**АБОНЕНТ:**

Xorazm viloyati Urganch kutubxona markazi  
O’zbek Turkman do’stlik uyi kutubxonasi

Директор \_\_\_\_\_ /A.Самандаров/



Директор \_\_\_\_\_



*Р. Сурбаков*